КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 28 МАЙ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (10.909)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Иқтисодиёт

**СУВ — ОБИ-ҲАЁТ, ТИРИКЛИК МАНБАИ. УНИНГ ТОЗА ВА ШАФФОФЛИГИ, ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРДАН ҲОЛИ БЎЛИШИ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ҲАМ ЖУДА МУҲИМ ҲИСОБЛАНИБ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИКДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**



## СИФАТЛИ СУВ ФИЛЬТРЛАРИ

Бу борада пойтахтимизда 2000 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «AKVATEX» илмий ишлаб чиқариш корхонаси тадбиркорларининг ўзига хос ўрни бўлиб, жамоа аҳли томонидан тайёрланаётган сув тозалаш фильтрлари ҳам халқ хўжалиги тармоқларида, ҳам хонадонларда юксак самара бермоқда. Шаҳримизда ана шундай ускуналар ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан ҳисобланган ушбу корхона ўтган давр мобайнида 100 дан зиёд саноат ва коммунал сув иншоотлари учун лойиҳалар яратиб, таъмирлаб ва фойдаланишга топширганини, минглаб сув тозалаш фильтрларини ўрнатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Йирик саноат корхоналари, давлат муассасалари, дам олиш зоналари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, касалхоналар корхонанинг асосий буюртмачилари ҳисобланади. Шунингдек, корхона маҳсулотларига қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушаётганини, бу экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгалигини айтиш ўринли.

Мазкур корхона мутахассисларининг изланишлари асосида тайёрланаётган ускуналар халқ хўжалиги ва маиший хизмат соҳасида кенг қўлланилмоқдаки, бу ишлатиладиган ҳамда ичимлик сувини тозалашда муҳим ҳисобланиб, у экология талаб ва меъёрларига тўла жавоб беради.

— Юртимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланар эканмиз, — дейди корхона раҳбари Альбина Сафарова, — ўз маҳсулотларимиз билан аҳоли соғлиғини асрашга, уларга куч-қувват бағишлашга ҳисса қўшаётганимизни ҳис этамиз. Ишлатилишига қараб бир неча турдаги сув фильтрлаш ускуналари тайёрлаймиз.

Корхонада тайёрланаётган фильтрлардан замонавий сузиш ҳавзаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ушбу фильтрлар ишлатилаётган сузиш ҳавзаларидаги сувларнинг тиниқ ва тозалигини сақлаб туради. Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини тайёрлашда зангламас пўлатдан фойдаланади. Бу эса ускунанинг узоқ вақт ишлашига кафолат беради. Шунингдек, фильтризация тизимида улар Италиянинг электродвигатель ва насослар ишлаб чиқарувчи етакчи «Pedrollo S.p.A.» компанияси насос ускуналаридан фойдаланишади. Ушбу насослар бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий техника, малакали мутахассислар, илғор технологиялар асосида ишлаётган «AKVATEX»чилар жорий йилда янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Уларнинг амалга ошиши маҳсулот турларининг ортиши ва четдан харидорлар жалб этишда катта ҳисса бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: йиғувчи Ҳабибулла Мусурмонов фильтрлар тайёрлашга сидқидилдан ёндошади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## Қисқа сатрларда

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Ҳамза туманидаги мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари иштирокида уюштирилган тадбир «Хайр, мактабим» деб номланди.

●**БУГУН** шаҳримиздаги Шароф Рашидов номидаги маҳаллада у-шу, қўл жанги, ҳарбий жанговар санъат бўйича ўтказилган спорт мусобақалари 1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

●**ЎТГАН** куни Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон телерадиокомпанияси Тошкент телерадиоканали, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорликларида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб «Дилбандим» хайрия акцияси ўтказилди.

●**ТОШКЕНТ** Ислом университетида исломшунос олимлар иштирокида ўтказилган анжуман Ислом дини тарихи ва фалсафасининг моҳиятига бағишланди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Ўзбекистонда биоэтика ва унинг ҳуқуқий асослари» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий ижрочилик санъати танлови бошланди. Танловнинг биринчи босқичи 1 июнгача давом этади. Ушбу танловнинг иккинчи босқичи 2 июндан 6 июнгача ўтказилади.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Ўзбекистон экспортчилар уюшмасини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Июнь ойида мазкур уюшманинг таъсис конференцияси бўлиб ўтади.

●**ТОШКЕНТ** Меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежида уюштирилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида 91-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ




**«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИДИР» ДЕБ НОМЛАНГАН КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ.**




Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

Айни пайтда 2007 йил ва яқин келгусида иқтисодий-ижтимоий соҳада амалга оширилиши мўлжалланган мақсад ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд барча омил ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, ҳали-бери ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, бошлаган ижобий ишларимизни изчиллик ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу эзгу мақсадларга эришиш ҳақида сўз юритар экан, олдимизда турган кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартлари сифатида Президентимиз қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

**Биринчидан,** ана шу дастурий вазифаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Давлат раҳбаридан тортиб ҳар бир фуқарогача уларни ҳаётга жорий қилишни ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Иккинчидан,** кўзлаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улуғвор мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта ҳаётимиз посбонлари бўлмиш ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар бир юртдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишни талаб қилади.

**Учинчидан,** шу муқаддас заминда биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва фидоийлик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

**Тўртинчидан,** биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладими — қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Лекин, бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам холисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорани, дўсту душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳануз сақланиб қолаётган хавф-хатарларга очиқ кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришишимиз шарт.

**Бешинчидан,** бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла оляпмизми?» деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу тўпламда чуқур асослаб берилган концептуал ёндашув ва қарашлар, амалий фикр ва хулосаларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислоҳотларни амалга ошириш дастури, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу дастурдан бугунги жамиятимизнинг барча жабҳа ва қатламларида меҳнат қилаётган юртдошларимиз, бутун халқимиз ўзининг орзу-интилишлари, ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топиши муқаррар.

**(ЎзА)**

## УНИВЕРСИТЕТДАГИ УЧРАШУВ

**МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ АЪЗОСИ МИР ХАЗАРХОН БИЖАРОНИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ 25 МАЙ КУНИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсати бераётган самаралардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлиб, у ерда сақланаётган нодир китоблар, қўлёзмалар билан танишдилар. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуи, Шайх Ҳованд Таҳур ва Қалдирғочбий мақбараларини зиёрат қилдилар.

— Ўзбекистондек гўзал мамлакатга келганимиздан жуда бахтиёрмиз, — деди Мир Хазархон Бижароний. — Ташриф асносида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юртингизда барча соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларга гувоҳ бўлдик. Айниқса, Тошкент ислом университетида талабаларнинг диний ва дунёвий билим олиши учун яратилган қулай шарт-шароит бизни беҳад қувонтирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга, манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик барча соҳаларда мустаҳкамланиб бораверишига қатъий ишонамиз.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонунларнинг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланди.**

●**Тошкент вилояти ҳокимлигида Халқаро оила кунига бағишланган «Ўзбекистон—кўп миллатли оила» мавзусида тантанали маросим ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Ҳамдўстлик» клуби томонидан уюштирилган байрам тадбирида Ўзбекистонда аккредитация қилинган чет эл элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар, миллий маданият марказлари, шунингдек, вилоят вакиллари иштирок этди.**

●**Ғузор-Қўнғирот-Бейнов «А-380» халқаро йўлининг Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи дастлабки 10 километрида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Газли йўлсозлик корхонаси ушбу объектда 2 миллиард сўм миқдорда бунёдкорлик ишларини бажарди. Эни 7 метр бўлган трасса 2 баравар кенгайтирилди. Ҳозирда объектнинг навбатдаги 25 километри ҳам реконструкция қилинмоқда.**

●**Жиззахда «Миллий анъаналар қадри» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир давомида вилоятда истиқомат қилаётган ўзбек, рус, қозоқ, татар, қирғиз, тожик, озарбойжон миллатларининг куй-қўшиқлари янгради, рақслари ижро этилди.**

●**Умумий қиймати 30 минг долларлик трикотаж маҳсулотларининг дастлабки туркуми Хўжаобод туманидан Россия Федерациясининг Иваново вилояти истеъмолчиларига жўнатилди. Жорий йилнинг охирига қадар ушбу тумандаги «Барчиной» хусусий корхонаси россиялик шерикларига яна 120 минг долларлик трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирмоқда.**

●**Навоийда бўлиб ўтган мотокросс бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионатининг якунловчи қисмида умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Кейинги ўринлар Тошкент ва Жиззах вилоятлари спортчиларига насиб этди.**

● **Мирзачўл туманида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ижобий ишларни оммалаштиришга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.**

● **Бухоро шаҳридаги ихтисослашган спорт мажмуасида олий лига жамоалари ўртасида чим устида хоккей бўйича мамлакат чемпионати якунланди.**

● **Фарғона туманидаги адирликларга туташ сўлим гўша — Чимён қишлоғида жойлашган болаларни соғломлаштириш сиҳатгоҳ маркази тубдан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.**

●**Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги пахта тозалаш заводида касаначилик асосида 120 та янги иш жойи ташкил этилди. Шартномага мувофиқ корхона касаначиларни зарур анжомлар билан таъминлаб, хомашёни узлуксиз етказиб бермоқда.**

### ЖАҲОНДА

●**Кеча Испанияда маҳаллий минтақавий сайловлар ўтказилди. Унда сайловчилар 8 мингта шаҳарлар ҳокимлари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларини сайлашди. Овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг 35 фоиздан кўпроғи сайловларда қатнашганлиги қайд этилди ва бу бундан 4 йил муқаддам ўтказилган маҳаллий сайловларга қараганда бирмунча кам кўрсаткичдир.**

●**Украинада 2 ойдан бери давом этиб келаётган сиёсий таназзул ниҳоят якунланди. Мамлакат Президенти Ющенко ва Бош вазир Янукович ўзаро келишиб олганликларини таъкидлашди. Муддатидан олдин ўтказиладиган парламент сайловлари эса 30 сентябрга белгиланди.**

●**Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос Ғазо секторидаги жангариларга мурожаат қилиб, Исроилга нисбатан ракета ҳужумини тўхтатишга чақирди. Унинг сўзларига кўра жангариларнинг бундай хатти-ҳаракатлари Фаластин-Исроил ўртасидаги икки томонлама отишмаларни тўхтатиш юзасидан олиб борилаётган музокараларга халақит бермоқда.**

●**Кеча Сурияда бундан етти йил муқаддам президентликка сайланган, ҳозирда 41 ёшда бўлган Башар Асадни кейинги муддатга қайта сайлаш юзасидан референдум бўлиб ўтди. Унда 19 миллионлик мамлакат аҳолисининг 12 миллиони овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.**

●**АҚШ Конгрессининг иккала палатаси ҳам Ироқдаги уруш харажатлари учун 100 миллиард доллар маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда Ироқдан мамлакат ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.**

●**Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг ракетаси Фаластин бош вазири Исмоил Ҳания уйи ёнида портлади. Маълумотлар кўра, ракета Ҳания қўриқчилари турадиган уйга келиб тушган, лекин портлаш чоғида бу ерда ҳеч ким бўлмаган.**

●**Кеча Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида RSTV номли мамлакат телевидениеси иккинчи каналининг ёпилишига қарши кўп минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Мамлакат раҳбарияти ушбу каналнинг зўравонлик ҳамда беҳаёликни тарғиб этаётгани сабабли ёпилганлигини таъкидлади.**

№ 100 (28.05.2007)

# КОРЕЯДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

**СЕУЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҒИДАГИ САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Кореянинг икки юздан ортиқ компания ва муассасаси вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этди.

Корея кичик ва ўрта бизнес институти президенти Ким Ин Хо тақдимот маросимини очар экан, қуйидаги фикрларини тадбир иштирокчилари билан ўртоқлашди.

— Марказий Осиёдаги муҳим давлат — Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги жўғрофий кўприк ҳисобланади, — деди у. — Ўзбекистон нефть, газ ва бошқа табиий ресурсларнинг бой захирасига эга ва у ҳақли равишда «энергетика ресурсларининг хазинаси» номини олган.

Ким Ин Хо сўзларига қараганда, халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш билдирмоқда ва кўпгина етакчи трансмиллий компаниялар Ўзбекистон бозорига киришга ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистонда кузатилаётган жадал иқтисодий ўсиш, хусусийлаштириш жараёнларининг фаол олиб борилаётгани, валюта бозорини эркинлаштириш ва энг муҳими, қулай сармоявий иқлимнинг шаклланганi Корея компаниялари учун иқтисодий ҳамкорлик борасидаги муҳим шерик сифатида Ўзбекистон имкониятларини очиб бермоқда.

Корея Республикаси тижорат, саноат ва энергетика вазири ўринбосари Ли Чжэ Хун таъкидлаганидек, буюк Амир Темур давлатининг тарихий маркази — Ўзбекистон кучли иқтисодий салоҳият ва бой маданий меросга эгадир. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларида тинчликни ва тараққиётни таъминлашда бош ролни ўйнайди.

Ли Чжэ Хун бу йил Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 16 йил тўлишини қайд этди. Ана шу қисқа давр мобайнида 6 маротаба олий даражадаги давлат ташрифлари амалга оширилди. Бу Осиёдаги икки халқнинг ўзаро мустаҳкам, чуқур ва дўстона муносабатлари ривожини стратегик шериклик даражасига қадар юксалишини таъминлади.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, икки мамлакат Президентларининг тарихий учрашувлари, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани ва Корея компанияларининг Ўзбекистон бозорига интилиши ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун амалда барча шарт-шароитларни яратди.

Ли Чжэ Хуннинг айтишича, Орол денгизи минтақасидаги ресурсларни ўзлаштириш бўйича қўшма лойиҳалар, Сургил конидаги газ-кимё мажмуининг қурилиши, «ДЭУ» корпорациясининг Фарғона шаҳридаги янги тўқимачилик корхонаси – буларнинг барчаси Ўзбекистон Корея сармоялари йўналтирилаётган асосий мамлакат бўлиб бораётганини кўрсатади. Бундай сиёсат Корея Президенти ва ҳукумати томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг тижорат, саноат ва энергетика бўйича қўмитаси раҳбари Ли Юн Сонг ўз чиқишида корейс компаниялари Ўзбекистон бозорига, айниқса, саноат тармоғига ўзининг аниқ мақсадга йўналтирилган сармоявий лойиҳалари билан жадал кириб бораётганини эътироф этди.

— Ўзбекистон кучли иқтисодий мамлакатга айланиб бормоқда ва мамлакатингизда фаолият кўрсатиш Кореянинг бизнес вакиллари учун катта шарафдир, — деди Ли Юн Сонг. – Мен имкониятларим даражасида давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўз куч-қайратимни аямайман.

Ўзбекистон — Корея дўстлик жамияти раиси, Миллий ассамблеянинг собиқ депутати Ким Юн Сик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар қисқа даврда стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилганига эътибор қаратди.

— 200 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб аҳоли вакиллари истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси бизнинг сармоялар учун ғоят қулай мамлакат ҳисобланади, — деди у.

Дўстлик жамияти раиси иқтисодий омиллари ва қулай сармоявий муҳити жиҳатидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлардан афзаллигини таъкидлар экан, Корея компанияларини Ўзбекистоннинг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларидаги сармоявий қатнашувини кенгайтиришга даъват этди.

«Рабобанк Корея» ваколатхонасининг раҳбари Чонг Хван Пак эса ўз маърузасида Ўзбекистонда Корея компаниялари учун кенг истиқболлар мавжудлигини, мамлакатимизда чет эллик сармоядорлар учун жуда қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлади. У «Рабобанк Корея»нинг Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат ва агросаноат тармоғида, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича махсус мажмуалар яратиш, жумладан, хомашё етказиб беришдан то уни қайта ишлашгача, сифат ва санитар-гигиеник назоратдан ўтказиш, қадоқлаш, улгуржи ва чакана савдога чиқаргунча сақлашга қадар бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан республика иқтисодий тараққиётининг натижалари, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, сармоявий салоҳият, озиқ-овқат ва мева-сабзавот саноати имкониятлари ҳамда бу борада Фарғона водийсидаги аниқ лойиҳалар, шунингдек, Ўзбекистон вино ишлаб чиқариш тармоғининг тақдимоти ўтказилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари «Хюман энд Техноложи Ко. Лтд» компанияси президенти Чжонг Кук-кьё, Ёнгин шаҳри мэри Со Чжунг Сук, «Корея Якульт» компанияси президенти Янг Ки Рак, Саноат мажмуалари бўйича Корея корпорацияси президенти Ким Чильду, «ДЭУ Интернейшнл» компанияси президенти Канг Ёнг Вон ва «Ханнынг групп» компанияси президенти Ча Санг Хьюп билан учрашдилар.

Уларнинг якунларига кўра, ўнга яқин икки томонлама ҳужжатлар — англашув меморандумлари, қўшма корхоналар тузиш, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Жумладан, Фарғона вилояти ва Ёнгин шаҳри ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида имзоланган протокол ўзаро алоқаларни нафақат алоҳида олинган ҳудудлар ўртасида кенгайтириш, балки Корея Республикасининг электрон саноати марказларидан бири ҳисобланган мазкур шаҳар салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда бу соҳада қўшма ишлаб чиқариш корхоналари қуриш имконини ҳам беради. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея саноат мажмуалари бўйича корпорацияси ўртасида имзоланган меморандум Ўзбекистон ҳудудида саноат ҳудудларини яратишда Кореянинг бой тажрибаси ва молиялаштириш имкониятларидан фойдаланиш ҳамда республикага Корея компанияларини жалб этишга хизмат қилади.

Сеулдаги конференция натижалари Кореянинг йирик ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларида Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга нисбатан катта қизиқишни намоён этди. Буни нафақат нефть-газ, нефть-кимё, тоғ-кон саноати соҳаларида, балки электрон, автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, агросаноат комплекслари ва озиқ-овқат тармоқларида ҳам кузатиш мумкин.

**«Жаҳон» АА**
**Сеул.**

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда фош этилмаган қасддан одам ўлдиришга оид жиноятлар юзасидан дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳамда бу борадаги прокурорлик назоратининг аҳволи, шунингдек, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика ролини кучайтириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқиш амалиёти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилишга доир жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар туфайли бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча камайиб, уларни фош этиш аҳволи яхшиланди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш амалиёти аҳволи муҳокама қилинди. Бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликда муайян тушунтириш ва профилактика тадбирлари амалга оширилгани қайд этилди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, айни пайтда мазкур масалага оид қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ҳамда прокурор назоратини олиб боришда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кескин танқид остига олинган.

Маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳамда жазонинг муқаррарлиги борасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда вилоятлар прокурорлари ва ички ишлар вазирлиги органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**



*Олий ўқув юртларида*

# ФЕСТИВАЛЬ ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИДА ЎТДИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ҲИСОБЛАНАДИ. ИНСТИТУТНИ ҲАР ЙИЛИ 500 НАФАРДАН ОРТИҚ БАКАЛАВР ВА 100 ГА ЯҚИН МАГИСТРЛАР БИТИРИБ, МАМЛАКАТМИЗДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ БЎЙИЧА ХИЗМАТГА ОТЛАНАДИЛАР.**

Ушбу олий ўқув юртида 4 та факультет ва академик лицей мавжуд бўлиб 2000 йилдан буён ушбу факультетлар ўртасида «Талабалик баҳори» фестивалини ўтказиш хайрли анъанага айланган. Фестивалга ҳар йили жиддий тайёргарлик кўрилиб, Наврўз байрамидан сўнг бир ярим ой давомида ҳар бир факультетнинг алоҳида тадбири ўтказилади. Бу тадбирларнинг турли номинациялар бўйича ташкил этилиши ва талабаларнинг маҳоратларига холисона баҳо берилиши учун Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг профессор ва ўқитувчиларидан иборат бўлган профессионал ҳакамлар таклиф қилинади. Чиройли ва ўзига хос дастур, ижодий изланиш, ҳар бир номинация бўйича тайёрланган алоҳида чиқишларнинг барчасига ҳакамлар томонидан муносиб баҳо берилади. Сўнгра совринли ўринларни эгаллаган факультет талабалари ижросида гала концерт ўтказилиб, «Талабалик баҳори» фестивали якунланади.

Бу йилги фестиваль ҳам муросасиз ижодий баҳслар, мунозаралар ва ўзига хос ечимлар тарзида ўтиб, кучли жамоаларнинг кўплиги билан алоҳида ажралиб турди. Айниқса институтнинг Электро техника ҳамда Ташишни ташкил этиш ва бошқариш факультетларининг тайёрлаган дастурлари ўзига хослиги ҳамда ижрочилик маҳоратининг юксаклиги билан бошқа факультетларникидан фарқланди.



Қизиғи шундаки, тўпланган балларнинг тенглиги иккала факультетнинг фестивалда биринчи ўринни эгаллашига замин яратди. Институт маъмурияти, профессор-ўқитувчилар, деканлар ҳам талабалар байрамидан четда туришмади. Барча жамоалар ўз командалари ютуғи учун қўлидан келганча санъати, маҳорати, қолаверса ташкилотчилик қобилияти билан ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Биз билан суҳбатда ҳакамлар ҳайъати раиси Ўзбекистон санъат арбоби Маҳкам Маҳамедов бугунги байрамнинг ўзига хослигини, ижро этилаётган ҳар бир саҳна чиқишларида профессионализм даражасининг юксаклигини ва жанр жиҳатдан хилма-хиллигини, ҳатто капелла, пантомима, оммавий рақслар борлигини алоҳида эътироф этиб, бундай байрамларнинг техник йўналишдаги институтда ўтказилиши ва ўз касбидан ташқари иккинчи истеъдодга алоҳида эътибор берилишини эътиборга лойиқ ҳодиса деб баҳолади.

Дарҳақиқат, институтда ўтказилаётган анъанавий «Талабалик баҳори» байрами олий ўқув юрти маъмурятининг талабаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва ундан унумли фойдаланишларини режалаштирилган асосда амалга оширилаётганидан далолат бериш билан бирга жамоада маънавий-маърифий ва маданий ишларга кенг эътибор берган ҳолда ёшларимизнинг баркамол авлод сифатида етук мутахассис бўлиб етишишлари учун тинмай изланишлар олиб бораётганлигини кўрсатади.

Қуйида турли номинациялар бўйича катта маҳорат кўрсатиб, ғолиб чиққан айрим талабалар ва факультетлар номини келтириб ўтамиз. «Энг маҳоратли созанда» йўналиши бўйича қурилиш факультети, «Институтнинг йил рақкосаси» номинациясида иқтисод факультети талабаси Зиёда Холматова, электромеханика факультети талабаси Ҳасан Жалилов «Актёрлик маҳорати учун», иқтисод факультетидан Рустам Набиев «Институтнинг йил қўшиқчиси» номинациялари бўйича барчани ортда қолдиришди. Шунингдек, «Энг яхши саҳна кийимлари» йўналишида лицей жамоаси, шунингдек, лицей ўқувчилари, «Мажнунтол» рақси учун «Энг яхши оммавий рақс» номинациясида ғолиб чиқди.

Фестивалнинг барча ғолиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: «Талабалик баҳори — 2007» фестивалидан лавҳалар.**

*Анжуманлар*

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ «БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪРУЗАСИДА: «ЎТГАН ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛГАН СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ҚУРИЛИШИНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ АМАЛДА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ», — ДЕЯ ТАЪКИДЛАДИ.**

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимида янги концепциянинг жорий этилиши мамлакатимиз фуқароларининг эркинлиги, озод, фаровон турмуш тарзида янги саҳифа очди. Ўз-ўзидан аёнки, инсон ҳуқуқларининг чинакам ҳимоя қилинишини таъминлаш масаласи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган: «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда ҳам айнан шу доирадаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — жиноятчиликка қарши курашда амалдаги қонун меъёрларини таҳлил этиш, такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жиноятчиликнинг келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқишдан иборат эди. Унда ҳуқуқшунослик борасида бой тажриба ҳамда малакага эга бўлган етук мутахассислар, мутасадди ташкилотлар вакиллари, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор М.Рустамбеков мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, инсон ҳуқуқларига жиддий эътибор қаратиб келинаётгани ва бу борадаги қонун ҳужжатларида махсус боб ва моддалар мавжудлигига эътибор қаратди. Шундан сўнг юридик фанлари доктори Қ.Абдурасулова, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси А.Усмонов, юридик фанлари номзоди, доцент З.Иноғомова ва бошқаларнинг санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, одил судловнинг нуфузини янада ошириш, суд мустақиллигини ривожлантириш, қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришда суд назорати сингари мавзуларга оид маърузалари тингланди.

Маърузалар давомида таъкидлаб ўтилганидек, келгуси йилдан бошлаб мамлакатимизда олий жазо — ўлим жазоси бекор қилинади. Шу боис эндиликда жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунларини такомиллаштиришга қаратилган долзарб вазифаларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Эътиборлиси, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳали-ҳамон ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масала ўз ечимини топгани йўқ. Бироқ Истиқлолнинг қисқа даври мобайнида мамлакатимиз қонунчилиги бу борада ўзининг собит қадамларини ташлади.

Анжуман давомида маърузалар юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

●Унутиш — унутишни билмасликдан. Шотландиялик олимлар ҳудди шундай фикрни илгари сурмоқдалар. St Andrews университети олими Малколм МакЛеоднинг айтишича, одам кексайиб нозиклашгани сайин кераксиз нарсаларни унута олмай қолади. Оқибатда эса мия ортиқча фактларга тўлиб кетар экан. Эдинбург қироллик жамияти бу фикрни амалий жиҳатдан исботлаб беришлари учун олимларга 30 минг фунт стерлинг ажратди. Айни пайтда Мак Леод унинг тажрибаларида ихтиёрий қатнашиш истагини билдирган 60-70 ёшлардаги одамлар ўртасида тест ўтказмоқчи. Кераксиз маълумотларни унута олмасликнинг хотира сусайишига таъсири борлигини исботлай олишига унинг ишончи комил, дейилади ROL хабарларида.

●Швеция олимларининг таъкидлашича, тиш тўғридан тўғри хотира билан боғлиқ экан. Ҳар сафар тиш олдирганингизда хотирангиз ўз-ўзидан пасайиб боркан. Буни шифокорлар тиш олдирганда асаб тизимида узилиш юзага келиши, бу тизим эса мия билан боғлаб тургани учун ҳам шундай ҳол содир бўлади, деб таърифлашди. Турли даврда турли миқдорда тиш олдирган 35 ёшдан 90 ёшгача бўлган 1962 нафар кишидан сўров ўтказилганда, улар тишлари камайгани сари хотиралари ҳам сустлашганини эътироф этишди. Айрим одамлар тиш ўрнини боса оладиган имплантантлар ўрнатса хотирага таъсир қилмас, деган тахминга борадилар. Бироқ имплантантлар ҳеч қандай табиий тиш ўрнини боса олмайди ва хотирани тиклай олмайди. Шундай экан оғриётган тишни олдиришга шошилмай, даволаш чорасини излаган маъқул.

●Жаҳон рекордларини қай вақтда ўрнатиш осонроқ: кундузими, кечасими? Бундай савол барчани ўйлантириб қўйиши мумкин, лекин америкалик олимлар бу саволга жавоб топишди. Уларнинг таъкидлашларича, тўлиқ Ой нурининг таъсирида Ердаги барча нарсалар бир неча вазнга камаяр экан. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тунда югуриш, сакраш, улоқтириш ва оғир атлетикада бемалол турли рекордларни ўрнатиш мумкин.

●Машҳур америкалик астроном Тюблнинг телескопи ой ҳақида янги маълумотни берди. Яъни кислород фақат йўлдошимизнинг атмосферасида эмас, балки ундаги қоялар остида темир ва титан оксиди шаклида беркиниб ётибди. Бу кашфиёт Америка илми учун энг яхши янгилик бўлди. Бу кашфиёт 2018 йилда Ойга одам учирилиши кутилаётганига сабабчи бўлди. 2020 йилдан бошлаб Ойда инсоният қароргоҳи қурила бошлашига ишончингиз комилми? Агар қоялардаги оксидларни парчалаб юборишга эришилса, ойга биринчи кўчиб борган инсоннинг бемалол нафас олиш имконияти туғилади.

●Ҳиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касалликларига қарши курашувчи воситалардан бири эканлигини қайд этишди. Чақалоқлар икки гуруҳга бўлиниб, уларнинг бири она сути билан, иккинчиси эса сигир сути билан боқилган организмдаги ўзгаришлар ўрганилиб борилар экан, она сути эмган болаларда ҳаммаси бўлиб 8 фоиз, сигир сути эмган болаларнинг салкам 80 фоизи аллергик касалликларга учраши мумкинлиги тажрибаларда исботланди.

●Япон олимлари мамлакатда автомобиллар кўпайиши натижасида диабет касаллиги ортиб бораётганлигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик яёв юрмаслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан озод бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақти-вақти билан ёқилғи танқислиги кучайиб машиналарда юриш камайганда диабет касаллигининг камайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон шифокорлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажрибаларида исботлашди.

● Сигаретни ҳосил қилувчи ўсимлик бундан 2 минг йил аввал Америкада пайдо бўлган. Бу ўсимликдан биринчи бўлиб ҳиндулар фойдаланганликларини XVI асрда ислом сайёҳлари кўришган. Улар бу ўсимликни офтобда қуритиб пальма дарахтининг баргларига солганлар ва баргларни ўраб, юмалоқ шаклга келтирганлар. Булар биринчи сигаретлар эди. Европаликлар сигаретни қандай тайёрлашни ҳиндулардан ўрганиб олишган ва дастлаб ундан тиббиётда фойдаланганлар. Кейинчалик улар сигарета ўсимлигини ҳидлаб, чека бошладилар. Хатто уни сувда қайнатиб сувини ҳам татиб кўришди. Сигаретнинг ҳозирги ҳолатдаги шакли Испанияда пайдо бўлди. Дастлаб сигаретлар анча қиммат бўлган. Чунки сигаретни қўлда тайёрлаш катта меҳнат талаб этар эди. 1867 йилда сигарет ишлаб чиқарадиган фабрика қурилгандан кейин бу маҳсулотга бўлган талаб жуда кучайиб кетди.

●Япон мутахассислари қоғоздан юпқа бўлган аккумулятор яратишга муваффақ бўлдилар. Бунда ишчи орган сифатида қаттиқ электролитлардан фойдаланилди. Рубидий, мис, йод, хлор ва баъзи бошқа қўшимчаларни ўз ичига олувчи кукун изоляцияловчи полимер билан аралаштирилади. Олинган масса юпқа қилиб суртилади. Қаттиқ электролит оқиб кетмаслиги, одамларга зарарсизлиги ва атроф-муҳитни бузмаслиги билан ажралиб туради.

●Тўғрисини айтганда, аксарият эркаклар ўз хотинларидан яширинча спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, гўё ҳеч нима бўлмагандек юришни ёқтирадилар. Ғарбий Берлинда шундай бир «тунги клуб» ташкил қилинганки, у зимдан иш кўрувчи эркакларнинг жонига оро киради. Клубда телефон олдига магнитафон қўйилган бўлиб, унда турли ҳолатлардан дарак берувчи овозлар ёзилган. Жумладан, шатиллаб ёзаётган ёзув машинкаси, у ёқдан бу ёққа сурилаётган курсилар ҳамда ишга алоқадор овозларни берувчи ленталар бор. Дўстлари билан «базми жамшид» қураётган кишилар уйларига қўнғироқ қилиб, ишхонада фавқулодда зарур иш чиқиб қолганидан дарак бериб қўйишлари мумкин.

●Камёб касб соҳиби Эдхард Воннер Германияда яшайди у таксидермист эди. Лекин яқинда Эдхардни ҳибсга олишди. Нега дейсизми? У суд олдида ўзининг «профессионал» айби бўйича жавоб берди. Жаноб Воннер ишдан бўш пайтларида автоҳалокат туфайли нобуд бўлган ўз хотини ва икки ўғли жасадини кимёвий воситалар билан қотириб қўйибди. Шу йўл билан вафодор эр ва ота ўз яқинларини асраб қолмоқчи эди. Уларни қотириш жараёнида касбининг тартиб қоидаларига тўла амал қилди. Расмий кўмиш маросими ўтгач, Эдхард Воннер қабристон қоровулини амаллаб кўндиргач, қабрларни очиб, мурдаларни ўз уйига олиб кетади. Тайёр қотган мурдаларни у ўз уйи ертўласида сақлаган ва бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган экан.

## Олимпиада: биринчидан йигирма тўққизинчигача

# ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ




**СУРАТДА: Лондонда катта муваффақият билан ўтган IV Олимпиада ўйинлари плакати.**

Навбатдаги IV Олимпиада ўйинлари бошланишига бир йил қолганда улар ўтказилиши яна хавф остида қолди. Ҳолбуки, Олимпиадага даставвал тўрт шаҳар – Берлин, Лондон, Рим ва Милан мезбонликка даъвогарлик қилган эди. Бироқ, Германия Миллий олимпия қўмитаси ўз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли Берлин шаҳри номзодини қайтариб олди. Халқаро Олимпия Қўмитаси қолган уч номзоддан Римни маъқул топди.

Лекин Италия Миллий олимпия қўмитаси ҳам ўйинлар очилишига бир йил қолганда бу мусобақаларни ташкил эта олмаслигини маълум қилди. Бунга бу мамлакатдаги бошқа йирик шаҳар – Миланнинг нима учун у эмас,балки Римнинг Олимпиада пойтахти бўлишига қатъий норозилиги сабаб қилиб кўрсатилди.

Ана шундай жуда мураккаб вазиятда Лондон ўйинларга мезбонлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди. "Хоҳлаган имконият топади, хоҳламаган баҳона қидиради", деганича бор экан. Инглизлар атиги бир йил ичида Олимпиада ўйинлари кенг кўламда ва муваффақиятли ўтиши учун ҳамма шароитларни муҳайё қилишга улгурдилар.

Энг аввало, шу жуда қисқа давр ичида Олимпиада учун махсус, 100 минг томошабинга мўлжалланган улкан "Уайт-сити" стадиони қуриб битказилди. Аслида у йирик спорт мажмуаси эди. Стадион ҳудудида сузиш ҳавзаси, кураш бўйича мусобақалар ўтказиш учун алоҳида зал, велопойгага мўлжалланган трек ҳам барпо этилган эди. Лондондаги бошқа мавжуд спорт иншоотлари ҳам тартибга келтирилди.

IV Олимпиада ўйинлари ташкил этилиши, кўлами, спорт натижалари билан олдингиларидан анча устунлик қиларди. Бу мусобақаларда иштирок этиш учун 22 мамлакат ўз терма жамоаларини юбордилар. Олимпиадага биринчи бор Исландия, Россия, Туркия, Финляндия (у бу вақтда Россия таркибида бўлса ҳам ўз алоҳида миллий терма жамоаси билан иштирок этди), Янги Зеландия (Австралия миллий терма жамоаси билан биргаликда Австралазия номида қатнашган) спортчилари келдилар.

Мусобақа иштирокчиларининг сони ҳам рекорд даража – 2034 тага (шу жумладан 36 аёл) етди. Буюк Британия терма жамоаси энг кўп сонли – 710 спортчидан иборат эди.

Аввалги Олимпиадаларга нисбатан мусобақалар дастури ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Олимпиадачилар спортнинг 20 тури бўйича 107 та медаллар комплекти учун кураш олиб бордилар. Жумладан, аёллар ўртасида теннис, камондан отиш ва фигурали учиш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Лондон Олимпиадасида ғолиблик учун рақобат жуда кескин кечди. Шуни айтиш кифояки, чемпионлар орасида 14 мамлакат вакили бор эди. Ўйинларда 13 та Олимпиада рекорди ўрнатилганлиги спортчилар маҳоратлари тобора ортаётганлигидан яққол далолат бериб турарди.

АҚШлик енгил атлетикачи Рей Юри 35 ёшда бўлса ҳам жойида туриб баландликка ва узунликка сакрашда ғолиб чиқиб, аввалги икки Олимпиадада олган 6 та олтин медали ёнига яна иккитани қўшиб қўйди. Унинг 1906 йилда Грецияда ўтказилган Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан "норасмий" деб эътироф этилган мусобақаларда қўлга киритган 2 та энг юксак нишони ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, Рей Юрининг Олимпиадада олган олтин медаллари сони 10 тага етди. Бу Олимпиада ўйинлари тарихидаги энг юксак натижадир.

Анъана бўйича енгил атлетикада америкаликлар рақибларидан бир поғона юқорида туришларини яна исботладилар. Мелвин Шеппард 800 метрга (1 дақиқа 52,8 сония), 1500 метрга (4 дақиқа 3,7 сония) югуришда ҳамда 200х200х400х800 метрга эстафетада учта олтин медаль соҳиби бўлди. Унинг ватандоши Жон Флэнгэн босқон улоқтиришда 51 метр 92 сантиметр натижа кўрсатиб, рекорд ўрнатди. Френсис Смитсон 110 метрга (15,0 сония), Чарльз Бэкон 400 метрга тўсиқлар оша (55,0 сония) югуришда, Френсис Айронс узунликка сакрашда (7 метр 48 сантиметр) ғалаба нашидасини суриб, АҚШ терма жамоаси олтин медаллари сонини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Юнонча усулда найза улоқтиришда швед Эрик Лемнинг жаҳон ва Олимпиада рекордларини (54 метр 92 сантиметр) ўрнатди. Унга эркин усулда найза улоқтиришда ҳам тенг келадиганлар топилмади.



**СУРАТДА: ўша вақтда Олимпиададаги фигурали учиш мусобақаларида ҳакамлар спортчилар томонидан машқлар қандай бажарилаётганлигини баҳолаш учун улар чиқишларини бевосита яхмалакка чиқиб кузатиб турардилар.**

Мусобақаларда мезбонлар ҳам яхши натижалар кўрсатдилар. Боксда Буюк Британиянинг "чарм қўлқоп" усталари 5 вазн тоифасининг ҳаммасида ғолиб чиқдилар. Инглиз спортчилари велосипед спортида 6 та олтин медалдан 5 тасини қўлга киритган бўлсалар, уларнинг юртдошлари академик эшкак эшиш, елканли кема спорти ва теннисда ўз устунликларини исбот қилдилар.

IV Олимпиада ўйинларида илк бор футбол бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда бешта мамлакатдан олтита (Франциядан иккита) жамоа иштирок этди. Уларда қайд этилган баъзи натижалар бугунги кунда ҳайратланарли туюлиши мумкин. Масалан, Буюк Британия футболчилари Швеция терма жамоасини 12:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлсалар, данияликлар Франциянинг иккинчи терма жамоаси дарвозасига 9 та жавобсиз тўп киритдилар. Олимпия футбол турнири ярим финалида эса Дания Франциянинг биринчи терма жамоасини 17:1 ҳисобида тор-мор қилишга муваффақ бўлди. Аммо ҳал қилувчи учрашувда Англия бежиз "футбол ватани" деб аталмаслигини исбот қилди. Буюк Британия билан Дания ўртасидаги финал учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди.Инглизлар ғалабасини таъминлаган тўпларни дарвозага Берри ва Пюрнеш йўлладилар.Учинчи ўрин учун учрашувда голландиялик футболчилар Швеция терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Сузиш ҳавзасида ҳам ўша давр учун деярли мислсиз ҳисобланган натижалар кўрсатилди. Инглиз Генри Тейлор 400 ва 1500 метрга сузишда рақибларига бирор бор имконият қолдирмаслик билан чекланмасдан иккита янги жаҳон рекордини ҳам ўрнатишга муваффақ бўлди. 100 метрга сузишда 1 дақиқа 5,6 сония натижа кўрсатган Чарльз Дэниелснинг, Швециянинг энг ёрқин спорт сулоласи вакиллари Оскар ва Альфред Сванларнинг милтиқдан ўқ отишдаги ғалабалари, эркин кураш бўйича ярим ўрта вазнда олтин, ўрта вазнда кумуш медалларга сазовор бўлган инглиз Жорж Релискоу, фигурали учишда шоҳсупанинг энг тўридан ўрин олган россиялик биринчи Олимпиада чемпиони Николай Панин – Коломенкин ҳамда кўплаб бошқа ғолибларнинг спорт жасоратларини тилга олиш мумкин.

Шундай бўлсада кўпчилик италиялик қандолатчи Дорандо Пиетрини Лондон Олимпиадасининг қаҳрамони, деб эътироф этади. Бу мусобақаларга қадар унинг номи спорт ихлосмандаларига деярли маълум эмасди. Пиетри марафон югуришида даставвал пешқадамлар сафида эмасди. Масофанинг катта қисмигача Жанубий африкалик Чарльз Хофферсон рақибларидан анча илгарида борарди. Бироқ марафоннинг сўнгги босқичида Дорандо бор кучини ишга солиб, стадионга биринчи бўлиб югуриб киради. Лекин унинг бутун ўй – хаёли муросасиз беллашувга берилганлиги сабабли югуриш йўлакчасига қадам қўйганда адашиб, чапга бурилиш ўрнига ўнгга қараб йўл солади. Хиёл ўтгач хатосини тушуниб етиб, югуриши йўналишини ўзгартиради. Маррага 70 метр чамаси қолганида марафончи обдон ҳолдан тойиб йиқилиб тушади. У бутун иродасини ишга солиб ўрнидан туради, бироқ бир неча қадам босмай яна ағдарилади. Пиетрига сўнгги 20 метрни босиб ўтиш қолганидагина стадионга америкалик марафончи Жон Хейес югуриб киради. Пиетри йиқилиб-туриб, йиқилиб-туриб марра чизиғидан ўтиши учун атиги бир-икки қадам босиши қолганида умуман ҳушидан кетади. Томошабинлардан икки нафари бу ҳолга азбаройи чидай олмасдан унинг икки қўлтиғидан кўтариб олиб , марра чизиғидан ўтказиб қўйишади.

Мусобақа ҳакамлари узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг марафон югуришини якунлашида ўзгалар ёрдам кўрсатганликлари учун Дорандо ғалабасини тан олмайдилар. Аммо ғолиблар тақдирланаётган вақтда италиялик спортчи фахрий шоҳсупага таклиф этилди. Буюк Британия қироличаси Александра чинакамига қаҳрамонлик кўрсатган Пиетрига марафонда ғолиб чиққан спортчига бериладиганга ўхшаш бўлган олтин кубок тақдим этади.

Худди ана шу муносабат билан Пенсилваниядаги муқаддас Петр ибодатхонаси епископи "Олимпиадада асосийси ғалаба эмас, балки иштирок этишдир" деган машҳур сўзларни айтган эди. Кўп манбаларда бу сўзлар Пьер де Кубертенга тегишли деган нотўғри маълумот келтирилади.

IV Олимпиада ўйинларидан сўнг биринчи бор матбуотда умумжамоа ҳисобидаги норасмий якунлар чоп этилди. Халқаро Олимпия Қўмитаси бундай ҳисоб олиб борилишига ҳайриҳоҳ эмаслигига қарамасдан миллий терма жамоаларининг Олимпиада ўйинларидаги якуний натижаларини чиқариш кенг русм бўлди.

Ана шу якуний ҳисоблар бўйича Лондон Олимпиадасида аввалгиларида бўлганидек мезбонларнинг яққол устунлиги намоён бўлди. Буюк Британия терма жамоаси 303,5 очко ва 147 та (57 та олтин, 50 та кумуш, 40 та бронза) медаль билан биринчи, АҚШ спортчилари 103,3 очко ва 47 та (23 та олтин, 12 тадан кумуш ва бронза) медаль ,швецияликлар эса 46,3 очко ва 25 та (8 та олтин, 6 та кумуш, 11 та бронза) медаль олдилар.

Тўртинчи Олимпиада ўйинлари ўтказилган даврга келиб Туркистонда спорт анча ривожланган эди.1908 йилдан Тошкентда профессионал курашчилар ва маҳаллий полвонлар иштирокида расмий мусобақалар ўтказила бошланди.Улар асосан циркда,баъзан томоша сифатида ўтказилса ҳам мусобақа қоидаларига тўла амал қилинарди.Бу пайтда кўпгина машҳур курашчилар курагини ерга теккизган Аҳмад полвон Топилдиевнинг номи спорт мухлислари ўртасида жуда машҳур эди.

1909 йилда Тошкентда атлетика жамияти ҳам ташкил қилинди.Унинг асосчиларидан бири Николай Гориздро оғир атлетикада рекордчи сифатида танилган эди.Шу даврларда Тошкентда дастлабки теннис мусобақалари ҳам ўтказила бошланди.Полина Карфунг ўлкамизнинг ана шу илк теннисчи спортчиларидан бири ҳисобланади.

Ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида спорт тўгараклари ташкил этишга ҳам киришилди.1910 йилда Тошкентдаги ҳарбий муассасалардан бирида иш бошлаган гимнастика ва қиличбозлик мактабида асосан бу ердаги рус ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзолари шуғулланган бўлсаларда, аста-секин маҳаллий ёшлар ўртасида спортнинг бу турларига қизиқиш ортиб борди. Айниқса бу ерда қиличбозлик бўйича ўтказиладиган мусобақалар кўпчилик эътиборини тортарди. Тошкент ишчилари орасида ҳам спорт ихлосмандлари кўпайиб қолди. Буни 1910 йилда шаҳар босмахонасида матбаачилар томонидан гимнастика, енгил атлетика ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўгараклар очилганлиги кўрсатиб турибди.



**СУАТДА: Россия спортчилари ўртасида биринчи бўлиб Олимпиада чемпиони бўлган Николай Панин-Коломенкин.**

1911 йилда эса аввал Фарғонада, сўнг Тошкент ва Андижонда футбол клублари тузилди.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## *Спорт янгиликлари*

### ХАЙРЛАШУВ ЎЙИНИ

**НИҲОЯТ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ ОРЗИҚИБ КУТГАН КУН ҲАМ ЕТИБ КЕЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДАН ХАБАР БЕРИШЛАРИЧА, ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЮЛДУЗИ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВНИНГ КАТТА ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ УЧРАШУВИ 2 ИЮНЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎЛДИ.**

Шу муносабат билан Қосимов ва унинг дўстлари иштирокида Евроосиё ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида учрашув ўтказилади. Ушбу баҳсга россиялик Алексей Поляков, Дмитрий Хомич, Альберт Саркисян, Андрей Каряка, Николай Ширшов, Владислав Радимов, Андрей Тихонов, Юрий Дроздов сингари маҳоратли футболчилар билан бирга, Грузия, Эрон, БАА миллий терма жамоалари шарафини ҳимоя қилган чарм тўп усталари ҳам ташриф буюрадилар.

Дарвоқе, ўзига хос шоу тарзида ўтиши кутилаётган бу баҳсда Миржалол Қосимов ва Андрей Фёдоровлар ҳар икки терма жамоа сафида бир таймдан ўйнайдилар.

### ЯПОНИЯДАН УЧИНЧИ ЎРИН БИЛАН

**ЯПОНИЯДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНИГА ЕТДИ.**

Қитъамизнинг энг кучли футзал терма жамоалари иштирокида кечган баҳслар қизиқарли, шиддатли ҳужумларга бой бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу сафар ҳам Осиё чемпионлиги учун кураш Эрон ҳамда Япония терма жамоалари ўртасида кечди. Мезбонларга ҳеч қандай имконият қолдирмаган эронликлар ғалаба нашидасини суришди ва Осиё чемпионлигини қўлга киритишди. Чемпионатнинг фахрли учинчи ўрин учун Ўзбекистон—Қирғизистон терма жамоалари ўзаро кураш олиб боришди. Майдонда рақибларига қараганда анча эркин ҳаракат қилган терма жамоамиз аъзолари 5:3 ҳисобида ғалаба қозонишди ва бронза медали совриндори бўлишди.

### ҚОСИМЖОНОВ ЖАМОАСИ—ҒОЛИБ

**РОССИЯНИНГ СОЧИ ШАҲРИДА ШАХМАТ ЖАМОАЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ЧЕМПИОАНАТИ УЮШТИРИЛДИ.**

Шахмат бўйича XVIII жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ушбу турнирда жаҳоннинг кучли шахматчилари—Александр Морозович, Дмитрий Яковенко, Сергей Карякин, Владимир Ткачев, Виорес Бологогонлар билан бирга «Томск-400» жамоаси шарафини ҳимоя қилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, ушбу турнирга жиддий тайёргарлик кўрган «Томск-400» жамоаси бошқа жамоалардан кўра маҳоратли эканлигини исботлади. Чемпионатнинг сўнгги турида Екатеринбург шаҳрининг «Урал» жамоаси устидан 3,5:2,5 ҳисобида ғалаба қозонган Қосимжонов жамоасига шоҳсупанинг энг юқори поғонаси насиб этди.

### ЁШЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

**«ЖАР» СПОРТ МАЖМУАСИДА ТАЭКВАНДОНИНГ ИТФ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА 11-16 ЁШЛИ ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА «АМИР ТЕМУР» КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН 11 АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШ СПОРТЧИЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика таэквандо (ИТФ) миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу турнирда Россия Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг 200 нафарга яқин иқтидорли ёш «қора белбоғ» соҳиблари ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди.

Икки кун давом этган мусобақалар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси турнирнинг бош совринини қўлга киритган бўлса, россияликлар иккинчи, қозоғистонликлар учинчи ўрин билан кифояланишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

### ПОЙТАХТЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИДА ОЛТИН МЕДАЛЛАРНИНГ АКСАРИЯТИНИ ПОЙТАХТЛИК ГИМНАСТИКАЧИЛАР ҚЎЛГА КИРИТДИ.**

Спорт усталари ўртасида ўтказилган кўпкураш беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Антон Фокин барча рақибларини ортда қолдириб, яна бир карра мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди. Кумуш медаль андижонлик Равшан Осимовга насиб қилган бўлса, фарғоналик Келдиёр Ҳасанов бу гал учинчи ўрин билан чекланди.

Хотин-қизлар ўртасида кўпкураш баҳсларида барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри гимнастикачиларига топширилди. Энг қизиқ баҳс биринчи ўрин учун бўлди. Унда иқтидорли гимнастикачи Луиза Галиулина кўплаб халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган тажрибали Анна Никовани ортда қолдириб олтин медални қўлга киритди.

Спорт усталигига номзодлар беллашувида кучли учликни Тошкент шаҳри вакиллари—Эдуард Шаулов, Ҳафиз Содиқов ва самарқандлик Шамсуддин Ёқубов ташкил қилди.

Хотин-қизлар баҳсида барча совринли ўринлар мезбон гимнастикачилардан Тамара Русанова, Диана Каримжонова ҳамда Асал Сафарбоевага насиб қилди.

**Боҳир БЕК**

## СИДХАРТХ САКСЕНА:

# «САМАРҚАНД — НАФАҚАТ ШАРҚ ГАНЖИНАСИ, БАЛКИ УМУМИНСОНИЯТ ФАХРИ»

**БУЮК БРИТАНИЯЛИК ОЛИМ СИДХАРТХ САКСЕНА КЕМБРИЖ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ШАРҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ ПРОФЕССОРЛАРИДАН БИРИ. КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲИНДИСТОНЛИК БЎЛГАН ПРОФЕССОР С.САКСЕНА ПРИНСТОН УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АНТРОПОЛОГИЯ ҲАМДА КЕМБРИЖ УНИВЕРСИТЕТИ ТРИНИТИ КОЛЛЕЖИНИНГ ФИЗИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ДИПЛОМЛАРИНИНГ СОҲИБИДИР.**

У Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг раиси ҳисобланади. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи муносабати билан С.Саксена бу кўҳна ва ҳамиша навқирон, гўзалликда бетакрор шаҳарнинг жаҳон илм-фани ва цивилизациясида тутган ўрни тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

«Самарқандга нисбатан қизиқишим болалик чоғларимдаёқ пайдо бўлган эди. Ўн бир ёшга тўлган кезларим шоҳ Бобур ва унинг севимли шаҳарлари ҳақидаги тарихни ўрганишни бошлаган эдим.

1996 йили Кембриж университетининг Тринити коллежида таҳсил олаётган пайтимда Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг халқи ва кўп асрлик донишмандлиги билан боғлиқ маданий ва маърифий алоқаларни чуқурлаштиришга йўналтирилган ташаббуслар грантини олишга муваффақ бўлдим. Шуни англаб етдикки, Самарқанд шаҳрининг фақат «Шарқ ганжинаси» номи билан аталиши жадал ривожланиб бораётган бу шаҳар мақомини қайсидир маънода тўла очиб беролмас экан. Бинобарин, унинг ёдгорликлари оддийгина музей ёки сайёҳлар томоша қилиши мумкин бўлган диққатга сазовор жой эмас, балки Самарқанднинг бетакрор тарихи ва меъморчилиги билан ҳар куни рўпара келадиган фуқаролар ҳаётининг бир қисми ҳамдир. Бир олим сифатида менда Самарқанднинг айнан шундай беқиёслиги бу шаҳарнинг даҳоси билан фахрланиш ҳиссини пайдо қилди.

Самарқанднинг интеллектуал маданияти илм-фан ва давлат ўртасидаги алоҳида муносабатларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Масалан, Мирзо Улуғбекни бир эсга олайлик. Самарқанднинг бу фуқароси давлат ишларини олиб бориш билан бирга буюк астроном сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида муносиб жой эгаллади. Шунинг учун ҳам Бухоро билан бирга Самарқанд ҳам кўҳна маърифат маркази номини олган.

Менинг фикримча, Самарқанд шарқ космополитизмини ўзида мужассам этган, турли этник, диний ва лисоний гуруҳлар биргаликда тинч-тотув яшаб келмоқда.

Самарқанд ва Бухоронинг жозибадор ижтимоий умумийлигини тадқиқ этиш Кембриж университетининг шу кунгача биринчи бўлган ва ҳозир ҳам давом эттирилаётган Ўзбекистондаги энг сермаҳсул лойиҳаси бўлди.

2007 йил февралда қабул қилинган «Маҳаллий билимларни хатлаш: Марказий Осиёда анъаналарнинг ўзаро муштараклиги» номли янги лойиҳа анъаналар мажмуи ва билимлар тизимларининг асосий сабабларига мурожаат этади. У Марказий Осиё анъаналари, маданияти ва атроф-муҳити, шунингдек, техник-эксперт салоҳиятини ривожлантириш, минтақа доирасидаги институтционал имкониятлари кенгайтирилишини назарда тутади. Ўзбекистонда инсон омилининг юқори даражасини эътифор этган ҳолда лойиҳа минтақадаги мавжуд билимлар асосига қурилгандир. У интеллектуал алмашув йўлларига кўмаклашади, бир вақтнинг ўзида уларни жаҳон глобал илмий тармоғи билан боғлайди.

Биз Кембриж, Оксфорд ва Лондондаги каби Самарқанд, Бухоро ва Хивада яратилган интеллектуал кенгликни кўриб чиқа бошладик. Сентябрь ойи охирида катта конференция ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Хивадаги Хоразм Маъмун академияси унинг мезбони бўлади. Тадбиримиз Ўзбекистонда ҳукм сураётган чароғон илмий муҳитга ўзининг ажойиб бўёғи билан қўшилади, деб умид қиламиз.

**«Жаҳон» АА**
**Лондон**

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

**Бош чиқазса гар қазо чархдин агар,**
**Жумла оқил ҳам бўлурлар кўру кар.**

* * *

**Зоҳир очгай оқибат ботинга йўл.**

* * *

**Сен кўнгил бўстонига қўйгил қадам,**
**Бошқа жойда сенга юз очгай ситам.**

* * *

**Раҳнамосиз йўл босар бўлса киши,**
**Бўйла бўлгай, чаппа кетгайдир иши.**

* * *

**Урма қўл санъатга устоз кўрмайин,**
**Барча элга кулги бўлмоғинг тайин.**

* * *

**Ганж топар эрса киши, сарф айлагай,**
**Ким уни тупроққа қайта жойлагай.**

* * *

**Ким ҳарисдир — маҳрум эрмиш, эй ўғил,**
**Ҳовлиқиб кетма, ҳарисдек бўлмагил.**

* * *

**Чоққга тушдингми, ғазабдин не самар?**

* * *

**Яхши дуч келгай ёмонга шўридин,**
**Шер ўлакса ейди очлик зўридин.**

* * *

**Юз уялмасму оғиз тотганда туз?**

* * *

**Ҳар не мардумга бало, офат ўлур,**
**Яхши билким тарки одатдин келур.**

* * *

**Бир жафо этса агар хешу табор,**
**Душманинг юз минг жафо этганча бор.**

**Чунки айларкан ўшал жабру жафо,**
**Дил инонмас бунга, кутгайдир вафо.**

* * *

**Нур тарар хўлу қуруққа офтоб**
**Ул қуруқ, бу хўл дея тутмас ҳижоб.**

* * *

**Жон талашма келмайин вақти ҳисоб.**

* * *

**Сен нуқул қордин ясарсен кўзалар,**
**Сувга бергайму магар бардош улар.**

* * *

**Имтиҳон бор имтиҳонда, эй ўғил,**
**Ўзни арзон бир синовга сотмагил.**

* * *

**Бир нишондин фош бўлур аҳли нифоқ.**

* * *

**Бор ҳақиқатни, дедимки, сўйласам,**
**Сўйламоқ мушкул экандир, ўйласам.**

* * *

**Ичмагунча тотли, ширин сувни то,**
**Сенга шўр сув ҳам туюлгай тўтиё.**

* * *

**Бас, тиканзорда нечук юргай киши?**
**Сабру бардош, эҳтиёт бўлгай иши.**

* * *

**Кўзни очгайдир иноят, ўзга не?**
**Кинани босгай муҳаббат, ўзга не?**

* * *

**Манъ этилган нарсага ўчдир башар.**

* * *

**Дур ётар тош бирла дарё остида,**
**Гоҳ фазилат, ҳам ёмонлик дастида.**

* * *

**Сен қазога қарши кўзғолсанг агар,**
**Сарнигун айларди у, қонинг ичар.**

**Ер агар осмонга душман бўлса, ул**
**Шўр босиб, беризку баҳосил қолур.**

* * *

**Неча бир пул, неча сийқа танга деб,**
**Кўрдилар иғво, чақиқни ўзга эп.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

---

Чилонзор туманидаги 29-оилавий поликлиника жамоаси ушбу поликлиниканинг собиқ бош врачи **Турғун Иноятович САИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

# СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

**ЁЗДА БОЛАЛАРНИНГ КЎНГИЛДАГИДЕК ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШИ, САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ КЕЛГУСИДА ПУХТА БИЛИМ ЭГАЛЛАШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ДАМ ОЛДИРИШ МАСАЛАЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА.**

Айни пайтда болалар оромгоҳлари, сиҳатгоҳлар, соғломлаштириш масканлари фаолиятини янада яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, дам олиш масканларига энг аввало кам таъминланган, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларнинг бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига кўрилаётган тайёргарлик ишлари хусусида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раиси Дилбар ЖАҲОНГИРОВА ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизни тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида умуммиллий миқёсда кечаётган ислоҳотлар жараёнининг пировард мақсадини ташкил этади.



Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ёшларга мукаммал билим билан бирга, улар тарбияси, сиҳат-саломатлигига алоҳида эътибор бериш каби эзгу мақсадлар ҳам назарда тутилган. Шу сабабли мамлакатимизда ҳар йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришга катта масъулият билан тайёргарлик кўрилади. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида ҳам болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, мароқли дам олишини пухта ташкил этиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Анъанага кўра, бу йил ҳам болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоялаш куни бошланади. Ҳозир ушбу масала учун масъул барча ташкилотлар, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар мавсумга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу йил юртимиздаги етти юздан зиёд болалар соғломлаштириш оромгоҳларида икки юз ўттиз минг нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Бу эзгу мақсадлар учун касаба уюшмалари, ҳокимликлар, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, ҳомий ташкилотлар маблағларини йўналтирган ҳолда ўн икки миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Дам олиш масканларида Меҳрибонлик уйларининг икки минг нафар, мактаб-интернатларнинг етти минг нафар тарбияланувчиси бепул ҳордиқ чиқаради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан уч минг нафар бола Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти корхоналарига қарашли сўлим оромгоҳларда бепул дам олади.

Авваллари турли идора ва ташкилотлар қарамоғида бўлган ва самарали фойдаланилмай келинган ўн тўртта болалар оромгоҳи Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига биноан бу йил касаба уюшмалари тасарруфига ўтказилди. Уларни таъмирлаш ва сақлаш учун бир ярим миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Шу кунларда болаларнинг барча турдаги ёзги оромгоҳларини мавсумга ҳар томонлама тайёрлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиб, барча зарур технологик асбоб-ускуналар, алоқа воситалари, спорт анжомлари, мебеллар билан таъминланмоқда.



Шу билан бирга таълим муассасалари, мактабларда ҳам болаларнинг кундузги оромгоҳларини ташкил қилиш, уларни ёзги соғломлаштириш мавсумиға шайлаш, ўқувчиларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, бу борада ҳомийлик ҳаракатини кенг кўламда тарғиб этишга тегишли ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада 2006 йилда энг самарали фаолият кўрсатган оромгоҳларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2006 йил якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли "Жас аулад", Андижон вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг "Шифокор", "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Бухоро вилояти филиалига қарашли "Ёш алоқачи", Қашқадарё вилояти "Шўртан газ-кимё" мажмуасининг "Лочин", Навоийдаги "Қизилқумцемент" очиқ акционерлик жамиятининг "Шабада", Тошкент шаҳар "Сувсоз" корхонасининг "Зилола", "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг "Тонг" оромгоҳи каби йигирмага яқин дам олиш масканининг фаолияти энг яхши деб эътироф этилди.

Болалар оромгоҳларига ёзги таътил даврида озиқ-овқат маҳсулотлари давлат ҳисобидан ажратилади. Дам олиш масканларини сифатли ичимлик суви, сархил мева ва сабзавот, нон ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида уларни меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда ўзаро келишув асосида савдо ташкилотлари, фермер ва тайёрлов идораларига бириктириб қўйилади. Оромгоҳлар учун ёз мавсуми даврида газ, сув, электр энергия, алоқадан фойдаланиш ҳамда автотранспорт воситаларини ажратишда эллик фоиз арзонлаштирилган нархлардаги имтиёзлар назарда тутилган.

Дам олиш масканлари фаолиятини ҳар томонлама мазмунли ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун болаларни турли спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Таътил давридаги маданий-маърифий дастурлар ёзувчи ва шоирлар, олим ва мусаввирлар билан учрашувлар, кўргазмалар, интеллектуал беллашувлар, танловлар, фестиваллар, спорт мусобақалари, турнирлар ташкил этиш, тарихий қадамжолар, табиат қўриқхоналарига саёҳатлар уюштиришни ўз ичига олган. Оромгоҳларда болаларнинг қизиқишларига мос тўгараклар, спорт машғулотлари секциялари ташкил этилади. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда оромгоҳлар кутубхоналари Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, болалар бадиий адабиётлари, газета ва журналлар билан таъминланади.

Болалар оромгоҳларида фаолият кўрсатиш педагог кадрлардан алоҳида масъулият ва касбий маҳорат талаб этади. Шу боис дам олиш масканларида ишловчи тарбиячилар, етакчилар, мураббийлар, тўгарак раҳбарлари, тиббиёт ходимлари учун жойларда ўқув семинарлари, касбий малака ошириш курслари ўтказилмоқда. Масалан, шу йилнинг 11 май куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри яқинидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида оромгоҳлар ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини юқори савияда ташкил этиш учун барча имкониятлар ишга солиниб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Буларнинг бари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: болажонлар мириқиб дам олмоқда.**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.**

---

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Тошкент Молия институти қуйидаги***
**кафедралар бўйича бўш (вакант):**

**Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** доцент, катта ўқитувчи; **«Суғурта иши»** доцент, **«Чет тиллари»** катта ўқитувчи, **«Молия»** катта ўқитувчи; **«Банк иши»** профессор, катта ўқитувчи; **«Бухгалтерия ҳисоби»** катта ўқитувчи; **«Иқтисодий назария ва иқтисодий педагогика»** профессор, доцент, **«Фалсафа» катта ўқитувчи, «Ўзбек ва рус тиллари»** доцент, катта ўқитувчи, **«Аудит»** катта ўқитувчи, «Математика» катта ўқитувчи, **«Информацион технологиялар»** доцент, катта ўқитувчи лавозимларига

***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

Танловда фан номзодлари, докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.**
**Тел. 134-66-58**

**Ректорат**

**«TOSHKENT ShAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА**
**ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!**

Тошкент шаҳри телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш режасига мувофиқ «3» индексли рақамларини «2» индекслисига алмаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

**ЎЗГАРТИРИЛАДИГАН ТЕЛЕФОНЛАР РАҚАМЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ:**

2007 йил 5 июндан бошлаб 3920000— 3929999 рақамлари 2420000 — 2429999 га ўзгартирилади.

2007 йил 12 июндан бошлаб 3600000 — 3609999 рақамларига 2670000 — 2679999 га ўзгартирилади.

2007 йил 19 июндан бошлаб 3620000 — 3629999 рақамлари 2530000-2539999га ўзгартирилади.

Бу тўғридаги маълумот TshTT www.tshtt. UZ сайтида.

Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар хизмати 09, 009.

Маълумотлар хизматининг шаҳарлараро терилиши — 371 1355008, 1351052, 1352064.

**Маълумотлар хизматининг халқаро терилиши — 10998 71 1355018, 1351052, 1352064.**

**«Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент минтақавий Бюроси» Давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларни Польша Республикасида иш билан таъминлаш мақсадида чекланган миқдорда**

***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

Польша Республикасида меҳнат фаолиятини олиб бориш истагини билдирган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг аризалари бевосита аризачининг иштирокида аризаларни рўйхатга олиш махсус журналида рўйхатга олинади.

Аризаларни қабул қилиш муддати: - эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ҳафта давом этади.

Танловда номзодларга қўйиладиган талаблар:

- Жинси: эркак;
- Ёши: 20-40 ёшгача;
- Маълумоти: ўрта, ўрта махсус
- Мутахассислиги (касби): ғишт терувчи, плиткачи, дурадгор, арматурачи;
- Танлаган мутахассислиги бўйича иш малакаси – 3 йилдан кам бўлмаганлар.

Меҳнат шароитлари:

- ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси таъминланган ҳолда Польша Республикасининг қурилиш объектларига ишга жойлаштирилади.
- Ойлик – ишбай - қўшимча рағбатлантириш( ҳозирги пайтда Польша Республикасида белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи 334$ ташкил қилади)
- Турар жой ва овқат (бир мартталик иссиқ овқат) иш берувчи ҳисобидан.
- Тошкент-Варшава йўналиши бўйича йўл харажатлари номзод томонидан қопланади.

Номзодларни танлаш 2 босқичда амалга оширилади:

1-босқич – чет эллик иш берувчи томонидан белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда аризаларни қабул қилиш.

2-босқич – танлаган мутахассислиги бўйича амалий синовлар орқали номзоднинг иш малакасини аниқлаш. (Комиссия аъзолари билан суҳбат ўтказилади), баҳолаш тизими бўйича

Танловда юқори балл тўплаганлар танловдан ўтган ҳисобланадилар, танловдан ўтолмаган номзодларнинг ҳужжатлари ҳеч қандай юридик натижасиз орқага қайтарилиб берилади.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилларда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси 44-уй, 1-қават, 9-хона. Мўлжал: Хадра майдони, Мебеллар дўкони орқасида. Мурожаат учун телефон: 393-08-78.

Аризалар ҳар куни соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Ариза берувчи ўзи билан қуйидаги ҳужжатларни олиб келиши лозим:

1. Паспорт (асли) ва нусхаси 1 дона;
2. Ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси 1 дона;
3. Сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси 1 дона
4. Меҳнат дафтарчаси (асли) ва нусхаси 1 дона
5. Расм (3,5x4,5) – 6 дона.
6. Қоғоз учун жилд.

Қўшимча маълумот учун Бюронинг масъул ходимларига фақатгина юқорида кўрсатилган манзилга ва телефонга мурожаат этишингиз сўралади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12.50